

**ТИЛНИНГ АСОСИЙ САТҲЛАРИ ХУСУСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРГА ДОИР АЙРИМ ҚАРАШЛАР:  
МУНОСАБАТ, ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН**

*Хайруллаев Х. З.<sup>1</sup>, Ибрагимова М.А.<sup>2</sup>*

**Аннотация:**

Тил ва нутқ сатҳлари ва уларни белгилаш масаласи муаммоли ва мунозаралидир. Чунки бунга ёндашув турлича бўлгани боис, унинг талқини ва бу асосла шаклланган таълим ҳам шунга мос ҳолда шаклланган. Мақолада тил ва нутқ бирликлари ва уларни ташкил қилувчи сатҳлар хусусида кенг тарқалган тавсифлар асосида айрим муносабатлар ўрганилган, таҳлил қилинган ва тавсифланган.

**Калит сўзлар:** тил яруслари, гап, сўз, морфема, фонема, меризм, фонематик сатҳ, морфематик сатҳ, сўз шакллари, гап, жумла

---

Ю.С.Маслов тилнинг асосий сатҳлари сифатида фонематик сатҳни, фонемаларнинг дифференциал белгисини, морфематик сатҳни, сўз ҳамда гап сатҳларини тушунади. У тил ярусларини: 1. Гап(аниқроғи, унинг структур ва интонацион модели). 2. Сўз. 3. Морфема (ва унинг супрасегмент муқобиллари). 4. Фонема (ва унинг супрасегмент аналоглари). 5. Фонемаларнинг дифференциал белгилари («меризм») [Ю.С. Маслов, 1968] бирликлар гуруҳлари асосида белгилайди. Ю.С.Маслов сўз сатҳини иккига бўлишни тавсия этади ва уларнинг биринчисини лексема яруси деб, иккинчисини эса глоссема яруси деб номлайди. Лексем сатҳга унинг компонентлари тарзида барча мустақил сўзларни, фразеологик ибораларни, таркибли атамаларни, боғловчиларни, шунингдек, ли частицасини киритади. Глоссема яруси компонентлари жумласига эса мустақил сўзларнинг синтетик шаклларини, барча предлог, артикль, ёрдамчи феълларни, компонентлари турғун ҳолатда бўлган қўшма сўзларни қўшади [Ю.С. Маслов, 1968]. Ю.С.Маслов, бизнингча, тил сатҳларини белгилашда анча мураккаб усулга мурожаат этади. Буни нафақат сатҳ ичида сатҳ ажратилишида, балки фонематик сатҳ талқинида ҳам кузатиш мумкин. Бунга фонеманинг ўзи икки сатҳга ажратилиши далил бўла олади. Назаримизда, Ю.С.Масловнинг тадқиқот ишлари тил сатҳи тушунчаси билан иерархик муносабат тушунчаси муштарак ҳодисалардек тасаввур ҳосил қилади. Бунинг натижасида масала тавсифи анча чигаллашади. Тўғри, фонематик сатҳ компонентлари меризм ҳодисаси билан бевосита боғланади. Лекин мазкур ҳодиса фонемаларнинг ички иерархик белгиларини кўрсатади. Шу боис меризм ҳодисасини, бизнингча, фонематик сатҳнинг ичида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тўғри, ўзак морфемалар мажмуасини ташкил этувчи бирликлар сўз ясовчи аффикс морфемалар мажмуасини ташкил этувчи бирликлардан, унли фонемалар мажмуаси ундош фонемалар парадигмасидан, портловчи ундошлар аффрикатлардан фарқлидир. Аммо бундан ўзак морфемалар сатҳи, аффикс морфемалар сатҳи, ундош ва унли фонемалар ёки портловчи ва аффрикатлар сатҳлари мавжуд деган хулосага келиб бўлмайди [В.М.Солнцев, 1972].

Прагалик тилшунослар Фр.Данеш ва К.Гаузенбласларнинг мулоҳазаларига кўра, тил системаси сатҳларини белгилаш муайян тилнинг типологик хусусиятларига асосланмоғи лозим. Масалан, шу асосда чех тилида қуйидаги сатҳларни белгилаш мумкин: (0) фонематик сатҳ, (1) морфематик сатҳ, (2) сўз шакллари, (3) гап, (4) жумла [Фр.Данеш, К.Гаузенблас, 1969].

Бу ўринда фонематик сатҳ (0) белгиси билан берилмоқда. Бунинг асосий сабаби Фр. Данеш ва К.Гаузенбласлар тил системаси унурларини элементар (бир томонлилик белгисига эга бўлган воситалар) ҳамда тил белгисини тақозо этувчи (икки жиҳатли: ифодаловчи ва ифодаланувчи) бирликларга ажратишлари билан боғлиқдир. Масалан, морфема тилнинг энг кичик бирлигини ташкил этиши билан бирга, ҳам ифодаловчи (товуш комплекси), ҳам ифодаланувчи (маъно салмоғи) жиҳатларига эгадир. Фонемада эса бундай хусусият йўқ. Бошқача айтганда, унинг фақат ифодаловчи (означающее) жиҳати мавжуд. Шу боис Фр. Данеш ва К.Гаузенблас фонематик сатҳни тор маънода изоҳлайдилар ва ҳатто уни сатҳ деб номлаш ҳам ўринсиз бўлиши мумкин, деган хулосага келадилар [Фр.Данеш, К.Гаузенблас, 1969]. Улар тадқиқотида яна шу нарса характерлики, тил сатҳлари жумла (высказывания) структураси доирасида

---

<sup>1</sup> Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич, филология фанлари доктори, профессор. СамДЧТИ Ўзбек тили, журналистика ва компьютер лингвистикаси кафедраси мудири

<sup>2</sup> Ибрагимова Муқаддас Абдуллаевна, СамДЧТИ Ўзбек тили, журналистика ва компьютер лингвистикаси кафедраси ўқитувчиси

белгиланади. Зотан, ҳар қандай конкрет жумла тил системасининг реал қўлланилиши учун объект саналади [Фр.Данеш, К.Гаузенблас, 1969].

Кўринадик, тил сатҳлари тавсифи масаласи чех олимларининг тадқиқот ишларида ҳам кун тартибига қўйилган ва бу соҳада салмоқли натижалар қўлга киритилган. Бироқ чех тилшуносларининг юқорида кўриб ўтилган мулоҳазаларида фонематик сатҳнинг (0) белгиси билан ифодаланиши ва унинг тил сатҳи маъносига ўрганилишига билдирилган салбий муносабатлари билан қўшилиш қийин. Зотан, фонема тил белгиси мақомига эга бўлмаса ҳам, унинг иштирокисиз морфемаларнинг, сўзларнинг, гапларнинг ҳам шаклланиши мумкин эмаслиги изоҳ талаб қилмайди. Ва, умуман, тил сатҳи мақомига эга бўлиш учун муайян бирликлар мажмуасининг тил белгиси ҳисобланиши шарт эканлиги, бизнингча, масала тавсифини анча мураккаблаштиради.

Юқоридагилардан ташқари, (4) белгиси билан ажратиб кўрсатилаётган жумлани тақозо этувчи сатҳ масаласи билан ҳам қўшилиш қийин. Чунки гап билан жумла аксарият ҳолларда синтактик шаклларига кўра ҳам, семантик вазифаси доирасида ҳам муштараклик ҳосил қилади. Шу боис бу ўринда улардан биттасини танлаш мақсадга мувофиқроқ бўларди. Бундан ташқари, тил сатҳларини белгилашда ҳар бир конкрет тилнинг типологик хусусиятларига асосланиш масаласи ҳам, бизнингча, нисбий тушунилмоғи керак. Тўғри, ҳар бир тил ўзининг ички хусусиятларига кўра бошқаларидан фарқ қилади. Аммо айти пайтда сатҳ тушунчаси, назаримизда, умумлингвистик аҳамият касб этади.

Тил сатҳлари хусусида Т.П.Ломтевнинг мулоҳазалари ҳам, бизнингча, илмий асослидир. Т.П.Ломтев сатҳ масаласини синтактик нуқтаи назардан талқин этган бўлишига қарамай, мазкур фикр ва мулоҳазаларни тилнинг барча сатҳлари ҳақида назарий тушунча олиш учун нуфузли манбалардан бири тарзида эътироф этиш мумкин.

Т.П.Ломтев сатҳ деганда муайян тил объектнинг тартиби муносабатига кўра ўзаро боғланган тилнинг бошқа объектлари қуршовидаги ўрнини тушунади ва объектлар ўртасидаги ҳар қандай муносабат сатҳлараро аҳамиятга эга бўлган маълум бир тартибга бўйсунганини таъкидлайди. Мазкур муносабатнинг сатҳлараро аҳамият касб этиши қуйидаги уч хусусият билан боғлиқ эканлиги кўрсатилади: 1. Антирефлексивлик. 2. Антисимметрилик. 3. Транзитивлик [Т.П.Ломтев, 1969].

Т.П.Ломтев тил объектлари тарзида фонемалар, морфемалар, сўз шакллари, содда гаплар, қўшма гапларни келтиради ва уларнинг ҳар бири муайян сатҳнинг вужудга келишига асос бўлишини айтади. Мазкур объектлар, албатта, ўзаро боғлиқ бўлишдан ташқари, нисбий мустақиллик белгиларига ҳам эга. Лекин бу билан фонемаларни морфемаларнинг иштирокисиз, морфемаларни фонемаларнинг ва сўз шакллариининг иштирокисиз ва сўз шакллариини ҳам, ўз навбатида, морфемаларнинг иштирокисиз тил сатҳлари компонентлари сифатида талқин этавериш мумкин, деган хулосага келиш қийин. Бунга Т.П.Ломтев о ва а товушларини мисол келтиради. Мазкур товушлар баъзан турлича фонемалар тарзида, баъзан эса муайян бир фонеманинг вариантлари сифатида фаоллик кўрсатади. Бу ҳодисани морфема тушунчасининг иштирокисиз изоҳлаб бўлмайди. Вол ва вал морфемаларида о ва а фарқли фонемалардир. Бироқ вол+ ва вал + ы алломорфларида о ва а товушлари бир фонеманинг вариантлари саналади. Бу, албатта, фонема, морфема, сўз шакллари ва ҳ.к. каби тил бирликлари мажмуасини тақозо этувчи сатҳларни фақат ўз қобиғида таҳлил ва талқин қилиб бўлмаслигини кўрсатади [Т.П.Ломтев, 1969].

Т.П.Ломтевнинг тил сатҳлари ҳақидаги мулоҳазаларида шу нарса диққатга сазоворки, у сатҳларни тақозо этувчи лингвистик объектлар кетма-кетлигини деривацион тамойиллар асосида талқин этади. Бунда маълум бир объект бирламчи, бошқа бири эса унга нисбатан иккиламчи характерда бўлиши кўрсатиб берилади. Бу фикр билан тўлиқ қўшилиш мумкин. Зотан, а объект (ёки сатҳ) бирламчи бўлса, b объект унинг ҳосиласи сифатида (албатта, кенг маънода) фаоллик кўрсатади. Мазкур b объект ҳам, ўз навбатида, кейинги с объектнинг шаклланиши учун таянч восита сифатида хизмат қилади.

Олим объектлар (сатҳлар) деривацион муносабатлари ҳам уч хил кўринишда бўлишини айтади: 1. Антирефлексив. 2. Антисимметрик. 3. Транзитив.

Антирефлексив муносабат нореал (амалга ошмайдиган) бўлиб, бу маълум бир объект ўзи учун ўзи асос-ҳосила вазифасини бажара олмаслигини тақозо этади. Буни  $Ax \mid D(x, x)$  формуласи билан кўрсатиш мумкин.

Антисимметрик муносабатда b а нинг ҳосиласи эканлиги, бироқ а b нинг ҳосиласи бўлмаслиги назарда тутилади. Формуласи:  $Ax \mid Ay \mid D(x, y)$ .

Транзитив муносабат муайян а объекти b объектнинг шаклланиши учун таянч бўлса, b объекти с объектнинг шаклланиши учун, с объекти ҳам, ўз навбатида, бошқа бир объектнинг деривацияси учун таянч бўлишини тақозо этади. Формуласи:  $Ax \mid Ay \mid D(x, y) \mid D(y, z) \mid D(x, z)$  [Т.П.Ломтев, 1969].

Бироқ юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, Т.П.Ломтев тил объектлари (сатҳлари) деривацион муносабатининг тавсифини беришда деривация бошланғич нуқтасини белгилаш учун писа -, писатель, писательский тарзидаги лексик деривация материалига мурожаат этади

[Т.П.Ломтев, 1969]. Бизнингча, бу ўринда ҳам деривациянинг сатҳлараро қўлланилиши билан боғлиқ қонуниятларидан фойдаланиш мумкин эди.

Н.Д.Арутюнова «Лингвистик бирликларнинг иерархик муносабати ҳақида» мавзусидаги мақоласида Т.П.Ломтевнинг биз юқорида кўриб ўтган тил сатҳларига доир мулоҳазаларига баъзи эътирозларини билдиради. Н.Д.Арутюнова, асосан, Т.П.Ломтевнинг фонема тилнинг биринчи сатҳи бирлиги эканлиги ҳақидаги фикридан келиб чиқиб, фонема тил белгиси эмаслиги сабабли тилнинг ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларига эга бўлган бирликларининг (масалан, морфеманинг) таркибий қисми бўлмаслигини айтади. Бунга айрим морфемаларнинг фонемага нисбатан шаклан кичик бўлиши далил қилиб келтирилади. Масалан, немис тилидаги *Brüder* (акалар) сўзининг кўплиги ўзқандаги унлининг умлаут олиши билан боғлиқ бўлиб, у айти пайтда грамматик маъно ифодаловчи морфемани тақозо этади [Н.Д.Арутюнова, 1969].

Бизнингча, бу орқали фонеманинг умумий планда морфеманинг таркибий қисми бўлмаслигини далиллаш қийин кўринади. Агар мазкур тамойил орқали иш юритиладиган бўлса, у ҳолда морфема ёки сўз ҳам ўзидан катта бирликнинг таркибий қисми бўлмаслиги ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади. Чунки ҳажман морфемадан кичик сўзлар ва ҳажман сўздан кичик жумлалар ҳам мавжуд. Бунга ўзбек тилидаги у унсурини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: у – фонема; у – морфема; у – сўз; у – гап. Бундай мисолларни бошқа тилларда ҳам кузатиш мумкин: ингл. I – фонема; I – морфема; I – сўз; I – гап.

Юқоридагилардан ташқари, Н.Д.Арутюнова Т.П.Ломтевнинг тил объектларининг антисемметрик, транзитив муносабатлари ҳақида айтилган мулоҳазаларига ҳам салбий ёндашади ва агар т фонемаси - тель морфемасининг муайян бир қисмини ташкил эта олса, -тель морфемаси т фонемасининг таркибий қисми бўла олмайди, деган ғоя билан қўшилмайди [Н.Д.Арутюнова, 1969]. Т.П.Ломтев томонидан тил объектларининг деривацион муносабатини кўрсатиш учун қўлланган мазкур ғояда, фикримизча, бирор ғализлик кўринмайди. Чунки деривацион жараён ҳар доим таянч структурадан ҳосиллага қараб интилади. Бироқ бунинг акси, яъни ҳосиладан таянч структурага қараб ҳаракат қилинадиган бўлса, охириги босқичда туб структурага етиб келинади. Бу эса, шубҳасиз, нодеривацион ҳаракатдир

#### **Адабиётлар:**

- [1]. Арутюнова Н.Д. Об иерархии лингвистических единиц // Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. –М., 1969.-С.293.
- [2]. Данеш Фр., Гаузенблас К. Проблематика уровней с точки зрения структуры высказывания и системы языковых средств // Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. – М., 1969.-С.18.
- [3]. Ломтев Т.П. Отношения порядка как основание выделения уровней синтаксических объектов // Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействий. –М., 1969.-С.143.
- [4]. Маслов Ю.С. Об основных и промежуточных ярусах в структуре языка // Вопросы языкознания, 1968, №4. -С.69.
- [5]. Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы//Вопросы языкознания, 1 972, №3.- С.8.
- [6]. Nizomiddinovich, E. M. (2024). Identifying the main features of english syntax and their impact in teaching speaking. *Образование и наука в XXI ВЕКЕ, (47-1)*.
- [7]. Qarshibayeva, U. D. (2021). Specific Linguistic Conditions Of Time Categories In The Works Of Victor Hugo. *Интернаука, (21-5), 100-101*.